**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

“Дунё-М” АЖ
ИЧМ ва СКАКМ бўйича директори

_______________С.Н.Якубов

2022 йил «___»___________

“Дунё-М” акциядорлик жамияти
2022 йил ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун автотранспорт воситасида
юк ташиш хизматларини кўрсатувчи ташкилотларни электрон
танлаш бўйича талаб этилаб этиладиган

# ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАР

Қарши шаҳри – 2022 йил

# ЭЛЕКТРОН ТАНЛАШДА ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАР

Электрон танлаш таклифининг техник қисми учун миқдорий кўрсаткичлардан (машина ва механизмлар сони, малакали автотранспорт ҳайдовчилар сони, иш тажрибаси ва бошқалар) келиб чиққан ҳолда баҳолаш мезонлари белгиланади.

Электрон танлаш қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим:

хизмат (иш)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва автотранспорт ҳайдовчиларнинг мавжудлиги, уларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, электрон танлашдаги юк ортиш ва тушириш хизматларига ўхшаш объектларда охирги 2 йиллик иш тажрибаси, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари ҳамда ўз фаолиятини илова қилинаётган техник топшириққа мувофиқ амалга ошириши шарт.

Электрон танлаш ўтказилганда иштирокчилар электрон танлаш таклифларини электрон конверт кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон танлашни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.

Иштирокчининг электрон танлаш таклифининг ажралмас қисми бўлган электрон ҳужжатлар оператор томонидан белгиланган форматларда тақдим этилади. Электрон тизимга жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг ЭРИси билан тасдиқланади.

Электрон танлашда, қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлган иштирокчилар қатнаша олади:

шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.

Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда давлат харидларининг электрон тизимидаги тўлдирилиши мажбурий бўлган электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

Давлат харидларининг электрон тизими иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар тўлдирилмаган бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган файллар мавжуд бўлмаса, давлат харидларининг электрон тизими рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

Электрон танлашда иштирок этадиган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тегишли электрон танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар, танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи, юк ташиш хизматларига ўхшаш объектларда охирги 2 йиллик иш тажрибаси, машина ва механизмлар рўйхати ҳамда таклиф этилаётган нархи ва қийматини тақдим қилиш, қуйида кўрсатилган 6 та шакллар ва электрон танлаш савдоси хужжатлари асосида сўралган тегишли тасдиқловчи хужжатлар илова қилиниши керак.

**Танлаш натижаларини сарҳисоб қилиш**

Танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.

Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда давлат харидларининг электрон тизимидаги тўлдирилиши мажбурий бўлган электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда:

танлаш таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда);

танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра танлашда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди

Танлаш таклифларини балл усулидан фойдаланган ҳолда баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, энг паст нарх таклиф этган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Танлаш таклифларини энг паст нарх усулидан фойдаланган ҳолда баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, техник қисми бўйича энг мақбул таклифни берган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Захирадаги ғолибни аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Танлаш таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари давлат харидларининг электрон тизимида автоматик равишда шаклланган дастлабки электрон баённомада қайд этилади ва танлаш ўтказиш бўйича харид комиссияси аъзолари томонидан ЭРИдан фойдаланган ҳолда имзоланади

**Электрон танлаш таклифлари таркибидаги техник ҳужжатлар:**

1, Электрон танлаш иштирокчисининг ишчи - ходимлари ҳақида умумий маълумот (1.1-шакл). Шаклни тўлдиришда автотранспорт ҳайдовчилар ва ишчилар сони иштирокчи томонидан мустақил кўрсатилади. Кўрсатилган автотранспорт ҳайдовчиларларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси тақдим этилиши шарт.

Иштирокчи хизмат(иш)ларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати (1.2-шакл). Шахсий, ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда иштирокчи хизматни бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки ижара шарномасининг нусхасини илова қилиши керак.

2. Электрон танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумот (2-шакл). Шаклни тўлдиришда хўжалик юритувчи субъектнинг иш фаолияти тури, мутахассислар рўйхати, унинг раҳбари ва асосий ходимларни маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси), соҳадаги иш таржибаси кўрсатилади. Уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси тақдим этилиши шарт.

3. Электрон танлаш буюртмасининг таъминлаш кафолати. Ушбу кафолат банк томонидан идора бланкасида белгиланган тартибда тақдим этилади.

4. Электрон танлаш предметига ўхшаш хизмат(иш)ларда охирги 2-йиллик иш тажрибаси (4-шакл). Ушбу жадвалда иштирокчи электрон танлаш предметига ўхшаш хизмат (иш)ларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак. Шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида ҳисоб-фактура маълумотномалари илова қилинади.

5. Электрон танлаш иштирокчисининг охирги икки йилдаги молиявий аҳволи (5-шакл). Шаклга иштирокчи аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини илова қилишга мажбур . Шакл ташкилотнинг тегишли ҳисобот даври асосида тўлдирилиб, маълумотлар минг сўмда келтирилади.

6. Электрон танлаш иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисидаа маълумот. (6-шакл). Иштирокчининг банкда 20,0 фоиз эркин маблағи мавжуд бўлиши шарт.

**1.1-шакл**

# ЭЛЕКТРОН ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ИШЧИ-ХОДИМЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

___________________________________________________________________________

*(электрон танлаш иштирокчисининг номи)*

| Т/р | Мутахассисликлар номи | Жами сони, шу жумладан автотранспорт ҳайдовчилар | Улардан (3-устундан) малакасини тасдиқловчи ҳужжати борлари | Улардан (4-устундан) юк ташишда 3 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси борлари |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1 | Жами | | | |
| | Шу жумладан: | | | |
| | Ҳайдовчилар | | | |
| | ва бошқалар | | | |

Элекрон танлаш иштирокчининг раҳбари: ______*ЭРИ*_____ И.Ш.Ф.
Тузилган сана: 2022 йил “_____” __________

**1.2-шакл**

# ЮК ТАШИШ ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРИ РЎЙХАТИ

_____________________________________________

*(электрон танлаш иштирокчисининг номи)*

| Т/р | Номи | Маркаси | Сони | Ишлаб чиқарилган йили | Қуввати | Техник ҳолати | Балансида ёки ижарада ёки таъсисчининг шахсий мулки |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** | **7** | **8** |
| | | | | | | | |
| 1 | | | | | | *Соз* | *Балансда* |
| 2 | | | | | | | *Ижарага олинган* |
| 3 | | | | | | | *Таъсисчининг шахсий мулки* |
| 4 | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | |
| ... | | | | | | | |
| ... | | | | | | | |
| | Ҳаммаси | | | | | | |

Элекрон танлаш иштирокчининг раҳбари: ______*ЭРИ*_____ И.Ш.Ф.

Тузилган сана: 2022 йил "_____" __________

2-шакл

# ЭЛЕКТРОН ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Электрон танлаш иштирокчисининг номи: ____________________
Иштирокчи раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми: ____________________
Манзили ва телефон (факс) рақами: ____________________
Юридик мақоми: ____________________
Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқ рақами) ____________________
Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича)____________________

**Раҳбар:**

| Т/р | Ф.И.О. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) | Автотранспорт воситаси билан юк ташиш соҳасида иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими | Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1 | | | | | |

**Асосий ходимлар :**

| Т/р | Ф.И.О. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) | Хизматда иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими | Эгаллаган лавозимидаиш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |

Элекрон танлаш иштирокчининг раҳбари: ______*ЭРИ*_____ И.Ш.Ф.
Тузилган сана: 2022 йил “_____” __________

**3-шакл**

# ЭЛЕКТРОН ТАНЛАШ БУЮРТМАСИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

______________________________________________

*(электрон танлаш иштирокчисининг номи)*

келгусида электрон танлаш иштирокчиси деб аталувчи, ______________________________

______________________________ ______________________________томонидан ўтказилаётган

*(буюртмачи ташкилотнинг номи)*

______________________________________________

(электрон *танлаш предметининг номи*)

хизмати кўрсатиши бўйича электрон танлашда иштирок этиш учун ўз танлаш таклифини тақдим этганлигини инобатга олиб, ушбу билан маълум қилинадики,

______________________________________________

(юридик манзил)

манзили бўйича қайд этилган офисга эга, келгусида “БАНК” деб аталувчи -______________________________

______________________________ ______________________________нинг элетрон танлаш

*(банк номи)*

иштирокчиси олдида ______________________________

*(рақамда ва ёзув билан сумма ва валюта тури кўрсатилсин)*

миқдордаги мажбурияти мавжуд бўлиб, у бўйича тўлов кўрсатилган буюртмачига тўлалигича ва ўз вақтида амалга оширилади.

Мажбурият банк томонидан кафолатланган.

Мажбурият шартлари:

Агар:

1) Иштирокчи ўз таклифини электрон танлаш таклифларини қабул қилиш муддати тугагандан кейин қайтариб олса;

2) Иштирокчи ўзининг таклифи буюртмачи томонидан қабул қилингани ҳақида хабарнома олиб, ушбу таклифни амал қилиш муддати давомида электрон танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талаблар асосида хизмат кўрсатиш шартномасини тузишдан бош тортса ёки тузолмаса, бу ҳолларда банк буюртмачига, уни биринчи ёзма талабиданоқ, буюртмачидан ушбу сўровни асослантиришни талаб этмасдан, юқорида кўрсатилган суммани қуйидаги шартлар билан тўлаш мажбуриятини олади:

а) Агар ўз сўровида буюртмачи ушбу сумма унга тегишлилиги кўрсатилган ҳолатларнинг иккисидан бири ёки ҳар бири юзага келгани билан боғлиқ эканлигини, юзага келган ҳолат ёки ҳолатларни аниқлаштирган ҳолда, кўрсатса;

б) Буюртмачи ва хизмат кўрсатувчи ўртасида тузилган шартнома талабларига, автотранспорт воситалари ёрдамида юк ташишни бажариш ва якунлашга тўсқинлик қилувчи ишлар ҳажмига ва мазмунига ўзгартириш киритилмаган бўлса.

Ушбу кафолат электрон танлаш таклифини очиш кунидан ____ кун давомида (“___” _______ 20__й.) кучда қолади ва ушбу билан боғлиқ ҳар бир сўров юқорида кўрсатилган муддат ўтмасдан банкка бериб юборилади.

Кўрсатилган банкнинг умумий муҳри билан тасдиқланган.

**Бошқарувчи** **(Ф.И.О)**

*Муҳр ўрни*

**Бош ҳисобчи** **(Ф.И.О)**

**Изоҳ:** *ушбу кафолат бош банк томонидан идора бланкасида белгиланган тартибда тақдим этилади.*

**4- шакл**

## ЭЛЕКТРОН ТАНЛАШДАГИ ЮК ТАШШИГА ЎХШАШ ХИЗМАТ(ИШ)ЛАРДА ОХИРГИ ИККИ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

_______________________________________________
*(электрон танлаш иштирокчисининг номи)*

| | Хизмат кўрсатиш номи, шартномаси суммаси, ишларнинг бошланиш ва якунланиш санаси | Буюртмачи номи | Бажарилган ишлар суммаси | Шундан йиллар бўйича | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 2020 й. | 2021 й. |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | Жами: | | | | |

Элекрон танлаш иштирокчининг раҳбари: ______*ЭРИ*_____ И.Ш.Ф.
Тузилган сана: 2022 йил “_____” __________

5 - шакл

# ЭЛЕКТРОН ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

_______________________________________________

*(электрон танлаш иштирокчисининг номи)*

| **АКТИВЛАР** | **2020 йил** | **2021 йил** | **ПАССИВЛАР** | **2020 йил** | **2021 йил** |
|---|---|---|---|---|---|
| **Узоқ муддатли активлар** | | | **Ўз маблағлари манбаи** | | |
| Асосий воситалар | | | Устав капитали | | |
| Шундан<br>Ишлаб чиқариш фондлари | | | Тақсимланмаган фойда | | |
| Қолдиқ қиймат | | | **Мажбуриятлар** | | |
| Капитал қуйилмалар | | | Займлар | | |
| Тугалланмаган ишлаб чиқариш | | | Кредитор қарздорлик | | |
| **Жорий активлар** | | | Шундан муддати ўтган қарздорлик | | |
| Айланма маблағлар | | | Шундан бюджетдан қарздорлик | | |
| Улардан ишлаб чиқариш захиралари | | | Шундан<br>иш ҳақидан қарздорлик | | |
| Дебитор қарздорлик | | | | | |
| Шундан муддати ўтган қарздорлик | | | | | |
| Жами баланс<br>активи бўйича | | | Жами баланс пассиви бўйича | | |

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

| **Номи** | **2020 йил** | **2021 йил** | **Номи** | **2020 йил** | **2021 йил** |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. Реализациядан олинган тушум | | | 8. Соф фойда | | |
| 2. Реализациядан олинган соф тушум | | | Шундан асосий фаолият бўйича | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи | | | | | |
| | | | Умумхўжалик фаолият бўйича | | |
| 4. Маъмурий харажатлар | | | 9. Асосий фаолиятдан олинган фойда | | |
| 5. Бошқа харажатлар | | | 10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда | | |
| 6. Даромад солиғи тўловигача фойда | | | 11. Зарар | | |
| | | | шундан<br>асосий фаолиятдан | | |
| 7. Даромад солиғи | | | умумхўжалик фаолиятдан | | |

Баланс фойдаси ___________________________________________________________________

Охирги 2 йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганми? __________

Элекрон танлаш иштирокчининг раҳбари: ______*ЭРИ*_____ И.Ш.Ф.

Тузилган сана: 2022 йил "_____" __________

-

6 - шакл

**ЭЛЕКТРОН ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ САЛОҲИЯТИ (ЖУМЛАДАН, ТЎЛОВГА ҚОДИРЛИГИ ВА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ) ТЎҒРИСДА МАЪЛУМОТ**

______________________________________________

*(электрон танлаш иштирокчисининг номи)*

| СТИР | Итирокчининг тоифаси | Иштирокчи томонидан ўтган йил (20___ йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) ҳисоботи кўрсаткичлари | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Асосий воситалар қолдиқ (баланс) қиймати Ф-1, 012-сатри | Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти (1,25) =5/(6-7) | бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар | | | Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиқ коэффициенти (020) =((9+10+11)-12)/13 | Бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар | | | | |
| | | | | 390-сатр | 770-сатр | 490-сатр | | 480-сатр | 570-сатр | 580-сатр | 130-сатр | 390-сатр |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| | | | | | | | | | | | | |

Қоплаш коэффициенти (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{Кпл} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{\text{А2}}{\text{П2 - ДО}}$$, бунда:

**А2** - жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

**П2** - мажбуриятлар, баланс активининг II бўлими, 770-сатр;

**ДО** - узоқ муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\textbf{Кос} = \frac{\textbf{(П1 + Дзк2) - А1}}{\textbf{А2}},$$ бунда:

**А1** - узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қуйилмалар ва шу кабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

**П1** - ўз манбалари маблағлари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу кабилар), баланс пассивининг I бўлимининг якуни, 480-сатр;

**Дзк2** - узоқ муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрларидан ҳисоблаб чиқиш йўли билан).

Ушбу касрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, махраж - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

| | | |
|---|---|---|
| Элекрон танлаш иштирокчининг раҳбари: | ______*ЭРИ*_____ | И.Ш.Ф. |
| Бош ҳисочи: | ______*ЭРИ*_____ | И.Ш.Ф. |

Тузилган сана: 2022 йил "_____" __________

**"Дунё-М" акциядорлик жамиятида 2022 йил ишлаб чиқар[redacted]эхтиёжи учун зарур бўлган хом ашё – 2022 йил -алл[redacted]илидан биржа савдоларида харид қилинган бошоқли донни автотранспортда ташиш мақсадида шартнома асосида автотранспорт воситалари ёрдамида жамият бош корхонаси элеваторига юк ташиш хизмат(иш)лари бўйича иштирокчилар томонидан ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон конверт кўринишида онлайн тушган электрон танлаш таклифларини техник ва нарх қисмларини баҳолаш мезонлари**

| №№ | Шаклларни баҳолаш параметрининг номи. | Баллар миқдори | Максимал баллар миқдори | Электрон танлаш иштирокчилари | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | |
| | | | | баллар | жами | баллар | жами |
| | **Техник қисми** | | | | | | |
| | **I. Электрон танлаш иштирокчисининг ишчи - ходимлари ва техникалари ҳақида умумий маълумотлар (15 балл)** | | | | | | |
| 1 | Доимий равишда ишловчи 2 тадан кам бўлмаган автотранспорт ҳайдовчиларини мавжудлиги | 5 | **15** | | | | |
| 2 | Юк ташиш хизматларини бажариш учун зарур бўлган 2 бирликдан кам бўлмаган автотранспорт воситаларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги автотранспорт воситаларининг баллари 30% камайтирилади) | 10 | | | | | |
| | **II. Электрон танлаш иштирокчисининг тўғрисида тўлиқ маълумот (15 балл)** | | | | | | |
| 1 | Элекрон танлашдаги хизмат кўрсатиш соҳасида иш таржибасига эга бўлган мутахассисларни мавжудлиги | 5 | **15** | | | | |
| 2 | Ходимларнинг йиллик ўртача 3 киши бирликдан кам бўлмаган сони мавжудлиги | 10 | | | | | |
| | **III. Электрон танлаш буюртмасининг таъминлаш кафолати (20 балл).** | | | | | | |
| 1 | Банк томонидан идора бланкасида белгиланган тартибда берилган кафолат хати мавжуд эмаслиги лиги. | 10 | **10** | | | | |
| | **IV. Автотранспортда юк ташиш хизмат(иш)ларига ўхшаш объектларда охирги 2 йиллик иш тажрибаси (20 балл)** | | | | | | |
| 1 | Элекрон танлашдагига ўхшаш хизмат (иш)ларни ўз автотранспорт воситалари ёрдамида бажариш (хар бир йил 10 балл билан баҳоланади) | 20 | **20** | | | | |
| | **V. Электрон танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи (20 балл)** | | | | | | |
| 1 | Электрон танлаш иштирокчисининг ташқи қарздорлиги (муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги) мавжуд эмаслиги | 20 | **20** | | | | |
| | **VI. Электрон танлаш иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисидаа маълумот (20 балл)** | | | | | | |
| 1 | Электрон танлаш иштирокчисининг банкда 20,0 фоиз эркин маблағи мавжудлиги | 15 | **15** | | | | |
| | **Техник қисми бўйича жами баллар миқдори** | | | | | | |
| | **Нарх (қиймат) қисми** | | | | | | |
| | **Буюртмачининг бошланғич нархи ва қиймати** | **ҚҚС билан – бошланғич нархи ______________ сўм ва қиймати ______________________сўм.** | | | | | |
| | **VII. Таклиф этилаётган нарх ва қиймати (20 балл).** | | | | | | |
| 1. | Буюртмачининг бошланғич нархи – 10 балл, таклиф этилган энг паст нархи – 20 балл.<br>Таклифлар бўйича бошланғич ва энг паст нархлар ўртасидаги баллар формула ёрдамида интерполяция билан аниқланади. Танлов иштирокчиларининг буюртмачи бошланғич нархидан юқори таклифлари рад этилади. | 10 – 20 | | | | | |
| | **Нарх (қиймат) қисми бўйича жами баллар миқдори** | | | | | | |
| | **Жами баллар миқдори** | | | | | | |